

“О‘ЗВЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ВА АДАБИЙОТШУНОСЛИГИ ТАРАQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALAR”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИДА ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАР ТАЛҚИНИ

Алламбергенова Нодира Гулмурзаевна
Ажиниёз номидаги НДПИ Ўзбек
адабиёти кафедраси доценти, ф.ф.д.
(PhD)

Аннотация: Мазкур мақолада «Алпомии» достонида никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимлар ва уларнинг бадиий талқинларитаҳлигга тортиласди. Шунингдек, баъзи маросимларнинг бугунги кундаги кўринишлари баён қилинади.

Калим сўзлар: достон, маросим фольклори, никоҳ тўйи, анъана, трансформация.

Аннотация: В данной статье анализируются свадебные обряды и их художественные интерпретации в эпосе «Алпомии». Также описан внешний вид некоторых ритуалов в наши дни.

Ключевые слова: эпос, обрядовый фольклор, свадьба, традиция, трансформация.

Annotation: In this article, wedding rituals and their artistic interpretations are analyzed in the “Alpomish” epic. Also, the appearance of some rituals today is described.

Key words: epic, ritual folklore, wedding, tradition, transformation.

Синкетик ҳодиса ҳисобланган маросим фольклори намуналарида вербал ва новербал (сўз ва ҳаракат) компонентлар ўзаро уйғунлик касб этади. Фольклоршунос Б.Саримсоқов ҳам: «Маросим фольклори икки муҳим компонентдан – ҳаракат ва сўздан ташкил топиб, уларни бир-биридан ажратиб ўрганиш мумкин эмас. Чунки бу икки компонент яхлит ҳолда маросимнинг ўзини ташкил этишини» таъкидлайди [3.19]. Саҳналаштирилган ҳаракатлар ва сўз уйғунлашган никоҳ тўйи билан боғлиқмаросимлар халқ достонларида бахшилар томонидан маҳорат билан қуйланган. Улардан айримлари турли трансформациялар билан ҳозир ҳам ўтказилиб келинади.

Никоҳ маросимиоилавий-маиший маросимларнинг энг қадимий ва барҳаёт шакли. Мазкур маросим инсоният турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда турли ўзгаришларга учраган ва ҳалқ ҳаёти билан боғлиқ равища доимо ўзгариб турувчи, ўз ичига бир қанча жанр ва компонентларни олевучи жанридир. Туркий халқлардаги никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимларни шартли равища учга бўлиш мумкин:

- 1) Никоҳ кунигача ўтказиладиган маросимлар: совчилик, (қулчилик), фотиҳа, қуда тушиш, қиз йигин ва бошқалар;
- 2) Никоҳ тўйи куни ўтказиладиган маросимлар: келин салом ёки бет очар, кампир ўлди, соч сийпатар, ойнага қаратар, оёқ босар, куёв сузилди, тизза букар ва бошқалар;

“O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI VA ADABIYOTSHUNOSLIGI TARAQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

3) Никоҳ кунидан кейин ўтказиладиган маросимлар: келинга иш бериш, куёв чақириқ, келин чақириқ, куда кутиш ва бошқалар.

Достоннинг Фозил Йўлдош вариантида никоҳ тўйи куни ўтказиладиган маросимлар тасвирланган бўлиб, улардан кўпчилиги бугун унутилган, айримлари эса турли ўзгаришларга учраган бўлса, яна бошқалари никоҳ тўйининг таркибий компоненти сифатида бугун ҳам ўтказилади. Буни фольклоршунос Б.Саримсоқов «Маросим фольклорининг сюжети, динамикаси бевосита маросим сюжетикаси, динамикаси билан боғлиқ экан тарихий тараққиёт натижасида у ёки бу маросимнинг таркибига янги-янги деталлар қўшилиб, айрим деталлар тушиб қолиши» [3.22] билан изоҳлайди.

Туркий халқлар никоҳ тўйи маросимининг таркибий қисми бўлган қўйидаги маросимлар бугун ҳамўзбек тўйларида ўтказилиб келинади. Шулардан бири «кампир ўлди» маросимиdir. 1989 йилифольклоршунос М.Жўраев томонидан Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Қассоббаёт қишлоғида яшовчи Мукаррам Бекмуродовадан ёзиб олинган мазкур русум ҳақида шундай дейилади: «Бир кампир бир болани қучоқлаб, уйнинг бурчагида ётади. У туш кўради ва:

*Бир туш кўрибман,
Ажисб-ажисб иш кўрибман.
Олдир бешик ёнида,
Кўчкордай ул қўлида,
Давлатли, фарзандли иш кўрибман,-*

дейди. Куда бўлиб келган хотинлар кампирга ҳам, болага ҳам пул (қаъда) берадилар» [2.35].

Достонда тилга олинган «соч сийпатар» маросими ҳам бугун турли шаклларда ўтказиб келинади. «Бу маросим Андижон, Бухоро, Сурхондарё вилоятларининг айрим қишлоқларида куёв хонадонида ўтказилади. Булунғур ва Қамашида келин уйида тутилган чимилдиқ ичидан бажарилади. Қамашида чимилдиқ одатлари бажарилгач, келин-куёв чўк тушиб ўтиради. Кампирлар уларнирг устига кўрпа ташлайдилар. Куёв чопони енгига қистирилган фаранг рўмол билан келин соchlарини юқоридан пастга қараб силайди» [4.50-51].

Ўзбек халқида «Келин салом» маросими никоҳ тўйининг энг асосий ва турли трансформацилар билан ҳозир ҳам сақланиб келаётган шакли ҳисобланади. Мазкур маросим келиннинг куёв хонадонига келганида ўтказилади. Маълумки, хар бир маросим халқ хаётининг ажралмас қисми бўлиб, муайян бир мақсадни қўзлади. «Келин салом» маросими янги келган келинни куёв хонадонига, элу халқقا таништириш мақсадида ўтказилади.

“O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI VA ADABIYOTSHUNOSLIGI TARAQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

Достоннинг ўзбек версияси Фозил Йўлдош вариантида Барчинойнинг Кўнғиротга келин бўлиб келиши ва келин салом маросими қуидагича тасвиранади:

*«Амалдорлар бекни ўртага олади,
Тахт устига буларни олиб жўнади.
Булартахтустидамазгилдатурди,
Саркарда, амалдорхизматниқилди,
Булбекларингвақтихушилашибтурди
Барчинойниўрдагаопкептуширди.
Қиз-у хотинийиғилибўрдагатўлган,
Канизларманқаторсафбўлибтурган,
Барчинингадабинкўпқизларкўрган,
Адабманхулқигатабассумқилган.
Ўзбакларрасимишундайинбўлган:
Ўртагаўтёқибсаломни соглан.
Чарчабкелдидебқарабтурмайди,
Ўтирганикўпқизларни қўймайди,
Салом солибичкаригакиради,
Хотин-қизларбарирасминқилади» [1.227]*

«Келин салом» одатда тўйнинг эртасига ўтказилади. Аммо Сурхондарё вилоятидакелин тушиб келган куниёқ бу маросим адо этилади» [9.66]. Достондан олинган юқоридаги парчада ҳамбу маросим келин келган куни ўтказилган.

Халқ достонлари ўзи мансуб миллатнинг ўзлигини, миллийлигини акс эттирувчи ноёб бадиий-естетик обида хисобланади. Шунинг учун хам уларда миллатга хос миллий анъаналар, маросимлар ва расм-руsumлар баҳшилар томонидан юксак пардаларда куйлаб келинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алпомиш.(айтувчи Фозил Йўлдош) – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2016.
2. Ой олдида бир юлдуз. (Маросим қўшиклари) – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2000.
3. Саримсоқов Б.Ўзбекмаросим фольклори.– Тошкент: Фан, 1986.
4. ГулжаҳонМардонова. Нур тўла уй. – Тошкент: Мехнат, 1992.
5. Gulmurzaevna, A. N. (2018). Karakalpak Folklore: The Epos “Alpamysh” and its Role in the Spiritual Life of People. ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies, 7(6), 41-48.